

**НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019 GM 41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХМАТОВ УЛУҒХЎЖА НУСРАТУЛЛАЕВИЧ

**БУХОРО-ХИВА ПАЛЕОРИФТИ МАРКАЗИЙ ГРАБЕНИНИНГ
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ, ТЕРМОГЕОКИМЁВИЙ РЕЖИМИ ВА
НЕФТ ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИГИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of geological and mineralogical sciences**

Рахматов Улуғхўжа Нусратуллаевич

Бухоро-Хива палеорифти марказий гравенининг геологик тузилиши,
термогеохимёвий режими ва нефт-газга истиқболлиги..... 3

Рахматов Улуғхўжа Нусратуллаевич

Геологические строение, термогеохимический режим и перспективы
нефтигазоносности центрального грабена Бухаро-Хивинского
палеорифта..... 21

Raxmatov Ulugxuja Nusratullaevich

Geological structure, thermogeochemical regime and prospects of oil and gas
bearing capacity of the central graben of the bukhara-khiva paleorift..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24 / 30.12.2019 GM 41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХМАТОВ УЛУҒХЎЖА НУСРАТУЛЛАЕВИЧ

**БУХОРО-ХИВА ПАЛЕОРИФТИ МАРКАЗИЙ ГРАБЕНИНИНГ
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ, ТЕРМОГЕОКИМЁВИЙ РЕЖИМИ ВА
НЕФТ ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИГИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.2.PhD/GM110 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.misis.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Долгополов Феликс Геннадиевич
геология ва минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Богданов Александр Николаевич
геология-минералогия фанлари доктори
Бойқобилов Иброҳим Тошпулатович
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Геология ва геофизика институти

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирувчи институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» феврал соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел: (+99871) 253-09-78, Факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирувчи институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 4215 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100059, ш. Тошкент, кўча Ш. Руставели, 114. Тел.: (+99871) 250-91-97, факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «02» феврал куни тарқатилган.

(2021 йил «30» ноябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси)




Ю.Н. Иргашев
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., профессор


М.Г. Юлдашева
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.


Т.Х. Шоймуротов
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги вақтда мезозой-кайназой эраларининг чўкинди қопламини анъанавий литологик ва стратиграфик мажмуаларини геологик ва геофизик жихатидан юқори даражада ўрганилган углеводород захираларининг ўсишини таминлаб берувчи, бурғилаш учун тайёрланган объектлар фонди чўкиш горизонтларида ётувчи ноанъанавий ва мураккаб тузилманинг қопқонлари ҳисобига тўлдирилиб бормоқда. Шу сабабли геодинамик ёндашувга асосланган юқори палеозой ётқизиқларининг структуравий хусусиятларини, шу жумладан термогеокимёвий режимини, ер қобиғининг кучланиш-деформацион ҳолатини ва бошқа масалаларни ўрганиш нефт ва газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунёда ҳозирги вақтда чуқур ёриқлар ва чуқур иссиқлик массаси узатиш каналлари билан боғлиқ аномал термобарогеокимёвий зоналарни хариталаш, дислоцияланган сегментларни деталлаштириш, геодинамик структураларнинг ички тузилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун турли тадқиқотлар ўтказилмоқда, жумладан: ер қобиғи алоҳида блоклари горизонтал ҳаракатларининг геодинамик қонуниятларини аниқлаш, кўмилган геодинамик структуралар чегараларини аниқлаштириш, турли чуқурликдаги майдонларни тавсифловчи турли даражаларнинг тектоник кучланиш параметрларини аниқлаш, деформация майдонларни хариталаш ва реконструкция қилиш амалга оширилмоқда ва булар долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикамизда углеводород захираларини кўпайтириш ва уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бевосита боғлиқ бўлган ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу геологик қидирув ишларини олиб боришда палеозой ер ости мажмуасининг геотузилмаларини киритиш орқали, шу жумладан геологик қидирув ишларини ҳажмини оширишни зарур қилиб қўяди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси учун чора-тадбирлар белгилайди «...саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, уни сифат жихатидан янги босқичга кўтариш орқали юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга қаратилган...»¹. Шунга асосланиб, Бухоро-Хива минтақасида палеозой мажмуасини нефт ва газга имкониятини башорат қилиш ва янги маҳаллий объектларни аниқлаш учун ўрганиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу эса катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 1 мартдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги ва ёш платформалардаги палеорифт системаларининг марказий грабенларида нефт ва газ учун геологик қидирув ишларини олиб боришда уларнинг ички тузилишининг ўзига хос хусусиятларига, нефть-газ ҳосил бўлиши ва тўпланиш шароитларига катта эътибор берилади. Локал ва нефт-газга истиқболли объектларнинг пайдо бўлиши, рифт ҳосилбўлиш жараёнида ер қобиғининг минтақавий чўзилиши ва унинг кўшни литосфера блокларининг горизонтал силжишлари натижасида ер қобиғининг кейинги кучланиш-деформацияланиш ҳолати билан чамбарчас боғлиқ.

Россия федерацияси Шарқий Европа ва Ғарбий Сибир чегараларидаги палео рифт платформалари марказий грабенларининг нефтгазлилигини В.Е. Хаин, Л.Э. Левин, Н.А. Клещев, В.С. Шеин, Н.А.Крылов ва бошқалар узоқ вақт давомида ўрганишган.

Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенини А.А. Бакиров, К.А. Клещев, В.С. Шеин, М.А. Ахмеджанов, О.М.Борисов, Ш.Д. Давлятов, Б.Б.Ситдиқов, Б.Б.Таль-Вирский, Т.Л. Бабаджанов, А.А. Абидов, А.Е.Абетов, О.П. Мордвинцев, В.И.Троицкий, Г.С.Абдуллаев, Ф.Г.Долгополов, А.И. Ходжиметов ва бошқалар, томонидан ўрганилган.

Палеорифт системаларининг марказий грабенларида нефт ва газ учун бажариладиган геологик-қидирув ишлари натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатидан ер қобиғининг чўзилиш режимининг ўзига хос хусусиятларини, чўзилиш зоналари чегараларнинг кўринишини, рифт мажмуаси структура планларини сақланиш даражасини, углеводородлар тўпланишининг термогеокимёвий шароитлари ва локал тутқичларни ажратиш учун зарур бўлган геофизик маълумотлар ахборот даражасига кўтарилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти «УзЛИТИнефтгаз» ва «ИГИРНИГМ» акциядорлик жамиятлари илмий-тадқиқот ишлари режасининг №003-ИТИ «Бухоро-Хива палеорифтининг нефт ва газга имкониятини баҳолаш асосида биринчи параметрли кудуқнинг жойлашишини асослаб бериш» тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган. Геологик ва геодинамик тадқиқотлар (2003), №ПК.19.01/03.04 «Чуқурликдаги иссиқ масса харакатининг физик-кимёвий параметрларини ўрганиш асосида углеводородлар табиий синтезининг микст генетик схемасини экспериментал моделлаштириш технологик шартларни ишлаб чиқиш» ва оммавий узатиш каналлари (ГТОУ каналлари) ва компьютер дастурларини тузиш (2004), «Ареал соф газ худудларини хариталашнинг диагностик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича дала геотермик ва газ-кимёвий тадқиқотлар бўйича экспериментал ва услубий ишлар Бухоро-Хива палеорифти ғарбий қисмидаги чуқур иссиқлик ва масса узатиш каналлари» (2006) мавзулардаги инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геологик-разведка ишларининг кейинги йўналишларини аниқлаш учун Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг геологик тузилишини, термогеокимёвий режимини ҳамда нефт-газ истиқболларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари Тадқиқотнинг кейинги йўналишларини аниқлаш учун Бухоро-Хива палеорифти ва унинг асосий элементларини аввал бажарилган геологик-геофизик маълумотлар асосида тахлил қилиш;

Бухоро-Хива палеорифти марказий грабени ва уларни бекитиб ётган қуйи-ўрта юра даври ётқизикларининг ички тузилишини уларнинг регионал структуравий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда батафсил баён қилиш;

Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг термогеокимёвий режими параметрларини унинг нефт-газ тўплай олиши салоҳиятини қадимги рифти марказий чўкмасининг термо-геокимёвий режими баҳолаш учун аниқлаштириш;

Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг нефт-газга истиқболлини геологик-разведка ишларининг кейинги йўналишларини ва юзага келиши мумкин бўлган экологик хавфларни аниқлаш билан баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг палеозой эраси чўкинди-вулқонли рифт мажмуаси олинган.

Тадқиқотнинг предметини палеозой рифт мажмуасидаги нефт-газга истиқболли маҳаллий антиклиналга ўхшаш структуралар (антиформалар) ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертация ишини бажаришда қуйидаги кетма-кет жараёнларни ўз ичига олган геологик ва геофизик маълумотларни изохлашда мажмуавий ёндашув ишлатилган: марказий грабенининг кучсиз дислокацияланган қисмини локализация қилиш,

кўндаланг ва бўйлама сейсмик кесмалар ёрдамида унинг ички тузилишини муфассалаштириш, тўлқин майдонлари тратиграфиясини бурғилаш маълумотларига боғлаш, нефт ва газ хосил қилиш имкониятларини аниқлаш учун иссиқ масса характланадиган каналларни хариталаш, нефт ва газга истиқболли локал антиформаларни ажратиш, плей-таҳлил асосида ГРНнинг кейинги йўналишларини аниқлаш, режалаштирилаётган ГРН экологик хавфини баҳолаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива палеорифт Марказий чўкмасининг ўрта қисмидаги углеводород конларини Учбош-Памук майдонларининг уйғунлашувида сақланишини таъминловчи чўкинди-вулканоген рифт мажмуасининг кучсиз дислокацияланган худуди исботланган;

чўкинди-вулканоген рифт комплексининг қисқартирилган ва тўлиқ турлари Бухоро-Хива палеорифт Марказий чўкмасининг кучсиз дислокацияланган худуди чегарасида ташкил топган бўлиб, уларнинг биринчиси Шимолий ёнбағир қисми билан чегараланади, иккинчиси эса Испанли-Чандир кўтарилмаси, Қоракўл ва Кушоб эгикликлари чегараларида аниқланган;

фаол ГТОУ каналлари худудларида Бухоро-Хива палеорифт Марказий чўкмасининг кучсиз дислокацияланган худудини нефт ва газ яратиш имкониятларини юқорилиги аниқланган;

нефт ва газга истиқболли тузилмалар сифатида чўкинди-вулканоген рифт мажмуаси кесимининг қисқартирилган ва тўлиқ турлари билан нефт ва газга истиқболли локал антиформаларни бирлаштирган Учбош-Тойқир-Ғарбий-Чуқуркўл ва Бозорбой-Чандир-Ғарбий-Кўкча чегараларида ишлаб чиқилган;

Учбош-Тойқир-Ғарбий-Чуқуркўл ва Бозорбой-Чандир-Ғарбий-Кўкча плейлар чегара худудларида геологик-разведка ишлари давомида юзага келадиган экологик хавфларни минималлаштириш ва меъёрий хужжатларга риоя қилиш исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива палеорифтининг марказий грабенининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган янги ноанъанавий объектларда геологик-қидирув ишларини йўлга қўйиш учун иккита янги истиқболли қатлам аниқланган;

белгиланган конлар доирасида геологик-қидирув ишларини олиб бориш, жумладан, уч ўлчамли вариантда умумий чуқурлик нуқтаси усулида сейсмик қидирув, электр қидирув, магнитотеллурик зондлаш ва параметрик бурғилаш учун геофизик ишлар усулларнинг самарали комплекси ишлаб чиқилган;

самарали комплекс яратиш учун танланган майдонлар доирасида истиқболли бўлмаган маҳаллий антиформаларнинг структуравий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дала геофизик кузатишларнинг мақбул тизимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тузилган 1500 пог.км. УЧНУ 2 D сейсморазведка кесмалари, 250 пог.км. электроразведка МТЗ кесмалари, 250 пог.км, 54 та пунктлар бўйича дала съёмка ва газ намуналарини таҳлиллари, ва шунингдек 20 та чуқур бурғилаш кудукларидан олинган керн намуналари таҳлилларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг кучсиз дислокацияланган ўрта қисмида таркибидаги нефт ва газга истиқболли локал антиформа структураларни излаш учун бўйича геологик-разведка ишларини назарий жихатидан таъминлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефт ва газ уюмларини излаш мақсадида бир хил турдаги локал антиформа гуруҳларини ажратишдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасида углеводород ресурслари базасини орттиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива палеорифтининг марказий грабенининг геологик тузилиши ва нефть-газ истиқболларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қайд қилинган майдонларда электроразведка МТЗ усули билан олинган маълумотлар асосида зоҳирий қаршилиқлар хариталари ва ID-инверсия кесмалари тузиш «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 6 октябрдаги 07-31-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу хариталар қидирув ишларининг самарадорлигини ошишига ва Бухоро-Хива палеорифти марказий грабени майдонида нефт ва газ уюмларини аниқ контурлаш имконини берган;

тузилган хариталар ва кесмалардан фойдаланиб майдонни геоэлектрик чегараларининг корреляцияси ҳамда страцификацияси «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 6 октябрдаги 07-31-сон маълумотномаси). Натижада, геоэлектрик параметрлар асосида 1:50000 масштабда хариталар ва кесмаларни тузиш ва уларни геологик жихатдан изоҳлаш имконини берган;

Испанли-Чандир кўтарилмаси худудида МОГТ 3D сейсморазведка ишларини ўтказиш тавсияси «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 06 октябрдаги 07-31-сон маълумотномаси). Натижада, майдоннинг геологик тузилишини ва нефт-газга истиқболли структураларни излаб топиш ҳамда уларни чуқур бурғилашга тайёрлаш бўйича янги маълумотлар Испанли-Чандир кўтарилмаси чегараларида бажариладиган 3D сейсморазведка ишларини самарали режалаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда мақола, жумладан 6 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг хажми ва тузилмаси. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация хажми 117 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бухоро-Хива палеорифтини геологик-геофизик жихатидан ўрганиш тахлили**» деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларига асосланиб палеорифт системаларининг нефт-газга истиқболлига қисқача назарий таъриф берилган, шунингдек палеорифт ва унинг асосий элементларига мавжуд фактик далиллар ва бурғилаш маълумотлари асосида регионал геологик-геофизик тавсиф берилган. Қадимги ва ёш платформаларда нефт ва газ қазиб олиш бўйича узоқ муддатли амалиёт шуни кўрсатдики, кўмилган палеорифт системаларининг марказий грабенлари гетероген қопламости мажмуалар таркибида углеводород кидириш учун янги регионалобъектив ҳисобланади. Чўкиндиларнинг юқори таҳлилда тўпланиши иссиқлик оқимининг ортиши туфайли улар юқори даражада нефт-газ ҳосил қилиш имкониятларига эга бўлади. Бухоро-Хива палеорифти марказий грабени чегаралари мураккаб қиёфага эга бўлган йирик чўкинди хавзадир. У қопламости палеозой мажмуаси таркибидаги углеводород уюмларини излаш учун регионал даражадаги асосий нефт-газга истиқболли объект ҳисобланади.

Марказий грабенни ўрганишнинг фактик базасига ЧСЗ (чуқур сейсмик зондлаш), УЧН (кўзғатиш нуқтаси усуллари мажмуаси), УЧН (умумий чуқурлик нуқтаси) гравиметрия ва магнитометриянинг аввал ўтказилган регионал геофизик материаллари, электр разведка ТЭЗ (тик электр зондлаш) ва дала геотермик съёмка ёрдамида аниқланган дала кузатувлари, шунингдек уч ўлчамли геологик-геофизик моделлар ёрдамида


умумлаштириш натижалари киради. Унинг ёриқ-блокли тузилиши асосий назорат омили сафатида 125° кенгликдаги азимути палеорифт системасининг регионал чўзилиш ўқи ҳисобланади. Бундай ҳолларда дала кузатувларининг оптимал системаси вазифасини 35° ва 125° ли бир хил узунликдаги кетма кет параллел жойлашган кўндаланг ва бўйлама кесмалар бажариши мумкин. Дала кузатувлари тизими билан сеймик-геологик кесимларнинг кўндаланг ва бўйлама тизимлари тизимини ва уларни бурғилаш маълумотлари билан стратиграфик боғлаш тизимини ишлаб чиқиш, нефт ва газ ҳосил қилиш имкониятларини аниқлаштиришга қаратилган бўлиши керак. ГТОУ каналлари таъсир этадиган зоналарда бажариладиган геологик-қидирув ишларининг экологик хавфини, ва нефт-газга истиқболли локал объектларни миқдорий баҳолаш мумкин (1-расм).



1-расм. Бухоро-Хива палеорифтининг марказий чўкманнинг регионал геофизик тадқиқотлари схемаси (Тузувчи: Раҳматов У.Н., Абидов А.А., Долгополов Ф.Г., Бобожанов Т.Л. ва бошқалар материаллари асосида, 2021). 1-палеозой ҳосилаларини ва юзасига чиққан жойлари, 2-литосфера блокларининг чегаралари, 3-тектоник поғоналарнинг чегаралари, 4-пойдевор блокларининг чегаралари, 5-палеорифтнинг ташқи чегаралари, 6-марказий грабенининг чегаралари, 7-регионал сеймик кесмалар: а) ЧСЗ, б) МУПВ-ЧҚТУ ва чуқур УЧН, 8-ТЗЧУ нуқталари, 9-чуқур кудуқлар: а) палеозой қатламларининг юзасини очган, б.) палеозой мажмуасининг катта қисмини олган, 10- электроразведка ТЗУ нинг регионал геофизик қисмларининг ва дала геотермик схемаларининг талқин қилинганлари.


Диссертациянинг «**Бухоро-Хива палеорифти грабенининг ички тузилиши ва қоплама юқори ва ўрта юра даври ётқизиқлари**» деб номланган иккинчи бобида рифт усти мажмуаси тузилишининг хусусиятларига асосланиб энг кам дислокацияланган сегментларни локализация қилиш, уларнинг ички тузилишини аниқлаштириш, УЧН-2D сеймик разведка, тўлқин ва бурғилаш маълумотларини стратиграфик

боғланиши тасвирланган. Рифт усти мажмуасининг қуйи-ўрта юра даври ётқизикларининг қалинлиги тахлили шуни кўрсатдики, марказий грабеннинг энг кам дислокацияланган зонаси унинг Гўжайли ва Дарвоза сворларига тўғри келади. Палеозой рифт мажмуасининг максимал дислокацияланган иккиламчи чўкиши зонаси марказий грабенининг энг кўп жой тарқалган зоналари Кимерек грабени ва Бешкент эгилмасининг шимоли-ғарбий қисмларига тўғри келади (2-расм).




2-расм. Бухоро-Хива палеорифтининг марказий грабени ички тузилишини геологик-геофизик жиҳатидан ўрганиш харитаси (Тузувчи: Рахматов У.Н., 2021). 1 – палеорифт чегаралари, 2 - марказий грабеннинг чегаралари, 3 - мавжуд конларнинг чегаралари, 4 - ЧСЗ, МУПВ-ЧҚТУ кесмалари, 5 - ТЗУ электр разведка кесмалари ва дала геотермик текшируви, 6 - УЧН-2D сейсмик разведка профиллари, 7 - Бештепа 1П параметрик қудуғи, 8 - палеозой мажмуаси устки қисмини очган қудуқлар, 9 - тавсия этилган параметрик қудуқ, 10 - кўндаланг ва бўйлама геологик-геофизик кесимлар тизими.

Марказий грабеннинг кучсиз дислокацияланган қисмининг айрим худудларида кўндаланг ва бўйлама сейсмо-геологик кесмалар системаларининг тўлқин майдонларини тахлили шуни кўрсатдики, уларнинг барчаси кесманинг чўкинди-вулканоген турига тўғри келади. Палеозой рифт мажмуаси таркибидаги вақтли кесимларида энг шиддатли аксланиш карбонат ва эффузив қатламлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Палеозой рифт мажмуаси таркибида антиформа антиклиналга ўхшаш деб номланган ижобий локал структураларни ўз ичига олади (3-расм).



3-расм. УЧНУ-2Д №63980496Р -Учбош ва №25 890688- Жангул сейсмогеологик профиллари бўйича Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенсининг кўндаланг сейсмогеологик кесмалари (Тузув-чи: Рахматов У.Н., Ғофуров Т.А., Эгамов В.С., Максудов М.Х., Сафонова Б.К., Криц Б.А., Колесниченко Л.Ю. материаллари асосида, 2021). 1-таянч акс эттирувчи горизонтлар, 2-палеозой мажмуасининг юзаси, 3-палеозой мажмуаси ичидаги акс эттирувчи чегаралар, 4-рифтгача бўлган палеозой мажмуасининг юзаси, 5-ёриқлар, 6-чукур кудуқлар


Палеозой рифт мажмуасидаги тўлқин майдонларини стратиграфик боғлаш асосида углеводород конларини қидириш учун амалий аҳамиятга эга бўлган кесмаларнинг тўлиқ ва қисқартирилган турлари ажратилади. Палеозой рифт мажмуасининг қисқартирилган тури марказий грабеннинг шимолий ён бағирларида кенг тарқалган ва тузилмавий планда энг кўтарилган моноклинал блокларни ифодалайди. Рифт мажмуаси кесимининг тўлиқ тури Испанли-Чандир кўтарилмаси, Қоракўл ва Кушаб эгиклиги ичида тақсимланади. Структуравий планидаравишда у марказий грабеннинг барқарор ва чўккан блоклари билан чегараланади (4-расм).



4-расм. №1595093-Чандир ва №1695093-Чандир УЧНУ-2Д сеймопрофиллари бўйлаб Бухоро-Хива палеорифти марказий чўкмасининг сейсмогеологик кесмалари тизими (Тузувчи: Рахматов У.Н., Ким Г.Б., Рубо В.В., Черкашина Л.Г., Мордвинцева О.П. материаллари асосида, 2021). 1-таянч акс эттирувчи горизонтлар, 2-палеозой мажмуасининг юзаси, 3-палеозой мажмуаси ичидаги акс эттирувчи чегаралар, 4-ёриқлар, 5-чукур кудуқлар.


Диссертациянинг «Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенини термо-геокимёвий режими» деб номланган учинчи бобида дала геотермик съёмкаси (ДГС) асосида иссиқлик оқим зичлиги аномалияларини ва ер юзидаги хароратни аниқлаш, контурлаш ва аниқлаш баён қилинган. Дала газокимёвий съёмка асосида ва чуқур иссиқлик ва масса узатиш каналлари билан боғлиқ бўлган аномал термобарогеокимёвий зоналарни хариталаштириш учун энг шиддатли харорат аномалияларидаги соф газларнинг геокимёвий аномалиялари аниқланди.

Марказий грабеннинг ўрта даражада кучсиз дислокацияланган қисмида олиб борилган регионал геотермик тадқиқотлар асосида 65-100 мВт/м гача бўлган шиддатли 90-140 мВт/м гача бўлган иссиқлик оқими зичлигининг еттита локал изометрик аномалиялари аниқланди, улар чуқур ёриқлар кесишган зоналарда белгиланди (5-расм).



5-расм. Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг иссиқлик оқими зичлиги харитаси (Тузувчи: У.Н. Рахматов, А.А. Поликарпов, Л.Р. Бикеева маълумотлар асосида, 2021). 1-геотермик съёмка кесмалари, 2-иссиқлик оқими зичлиги-нинг изолиниялари, 3- ДГС аниқланган учун пунктлар, 4-чуқур кудуклар, 5-марказий грабен чегаралари, 6-ёриқлар, 7-сейсмик профиллар, 8-углеводород конлари, 9-бурғилаш натижалари салбий бўлган структуралар, 10-аниқланган структуралар, 11-тайёрланган ту-зилмалар, 12- ДГС аномалиялари, 13-чуқур иссиқлик ва масса узатиш каналлари: I-Тошқудук, II-Гўжайли, III-Ғарб. Бештепа, IV-Ғарб. Кўкча, V-Жанубий Гўжайли, VI-Муродқудук, VII-Отбоқар, VIII-Тегирмон, IX-Чуқуркўл, 14- дала термобарогеокимёвий съёмка участкаси.


Марказий грабени Ғарб Бештепа-Чуқурқўл участкаси чегарасида ўтказилган муфассал геотермик съёмка натижасига ва ер юзасидаги температурасининг тақсимланишини таҳлил қилиш асосида, ГТОУ нинг фаол ҳаракатдаги иккита каналнинг жойлашишига аниқлик киритилди. Ғарбий Бештепа-Чуқурқўл участкаси чегарасида дала газ-геокимёвий съёмка усули бўйича батафсил ўрганиш натижасида фаол ишлайдиган иккита каналнинг таъсир зоналарида турли хил ювенил газлар концентрациясининг ареаллари белгиланди. Унинг термогеокимёвий кўрсаткичларига кўра Ғарбий Бештепа-Чуқурқўл каналлари атрофидаги майдонда палеозой рифт мажмуасидаги она жинсларида нефт-газнинг юқори миқдорда ҳосил бўлиши кузатилмоқда (6-расм).



6-расм. Ғарбий Бештепа-Чуқурқўл участка чегарадаги Бухоро-Хива палеорифтининг марказий грабенидаги аномал термобарогеокимёвий ҳудудларнинг жойлашиш схемаси ва энергия кўрсаткичлари (Тузувчи: Раҳ-матов У.Н., Абидов А.А., Поликарпов А.А., Бикеева Л.Р. маълумотлари асосида, 2021). 1-чуқур иссиқ - масса узатиш каналлари: I-Ғарбий Бештепа, II-Бештепа, 2-палеозой мажмуасидаги ёриқлар, 3-харорат изолиниялари, 4-температуранинг локал аномалиялари, 5-водород ва гелийнинг локал аномалиялари, 6-метаннинг локал аномалиялари, 7-пентан ва гексаннинг локал аномалиялари, 8-азот, кислород ва карбонат ангидриднинг локал аномалиялари, 9-аномал термобарогеокимёвий зоналар: I-Ғарбий Бештепа, II-Чуқурқўл, 10-мВт/м² даги иссиқлик оқими зичлиги изолиниялари.


ГТОУ каналларини марказий грабеннинг кучсиз дислокацияланган қисмида кенг ва бир меъёрда тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, кўриб чиқиладиган ҳудуддаги палеозой рифт мажмуасида нефт ва газ ҳосил бўлиш имкониятининг ортганлигини тахмин қилиш мумкин.

Диссертациясининг «**Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг нефтгазлилик истиқболлари ва геологик-разведка ишларининг кейинги йўналишлари**» деб номланган тўртинчи бобида бобида барча нефт ва газ истиқболли локал антиформаларнинг умумлаштирилган тавсифини тузиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, белгиланган ҳудудларнинг плей-тахлил элементларидан фойдаланган ҳолда ГРН ни ташкил этиш ва уларни ўтказишда экологик хавфларни аниқлаш имкониятлари баён қилинган. Бугунги кунга келиб, марказий грабеннинг кучсиз дислокацияланган ўрта қисми чегарасида 12 та локал нефт-газга истиқболли антиформалар хариталанди. Улар палеозой рифт мажмуаси таркибида УВ уюмларини аниқлаш кенг масштабли излов ишларини ташкил қилишни тақазо этади ва улар муҳим захира ҳисобланади. Барча хариталанган антиформалар углеводород конларини аниқ локализация қилиш учун зарур бўлган ички тузилиши тўғрисида етарли даражадаги геологик ва геофизик маълумотларга эга эмаслиги билан ажралиб туради, бу эса уларни излов қудуқлари ёрдамида тўғридан-тўғри қидириш пайтида ГРН хавфини сезиларли даражада оширади (7-расм).



7-расм. Бухоро-Хива палеорифти марказий грабенининг нефт-газга истиқболли локал антиформаси жойлашмаси кўрсатилган палеодинамик харитаси (Тузувчи: Рахматов У.Н., 2021). 1-фаол қадимги чекка, 2-пассив қадимги чекка, 3- палеорифт ёнбағири, 4- марказий грабен, 5-ёриқ-флексун зонаси ҳудуди, 6- па-леорифт чегаралари, 7- марказий грабен чегаралари, 8-ёриқли бузулишлар, 9-кенгайиш ўқи, 10-палеозой мажмуаси сиртининг изогипсалари, 11-палеозой мажмуаси юзасини очган қудуқлар, 12-нефт ва газ истиқболли локал антиформалар.

Нефт ва газнинг истиқболли локал антиформаларнинг ички тузилишини келажакда излашни мақсадга мувофиқлигини аниқлаштириш учун мавжуд маълумотлар ва фактлар базаси имкониятлари тўлиқ ўрганилди. Шу сабабли келажакда геофизик методларни самарали мажмуидан УЧН-3D сейсморазведка, ТУЗ электроразведка, уч ўлчамли моделлаштириш ва параметрик кудуқлар маълумотларидан биргаликда фойдаланишни тақазо этади. Нефт-газга истиқболли локал антиформаларни қидиришда ГРН плейлар бўйича группалаш тавсия қилинди, ҳамда ГРН хавфини камайтириш учун уларни палеозой рифт мажмуаси кесимининг бир хил петрофизик параметрлари билан бир хил турдаги бир нечта объектларни бирлаштириб, уларни конлар бўйича гурухлаш тавсия этилади. Мисол тариқасида, Бозорбой-Чандир-Ғарбий Кўкча ҳамда Кўкча ва Учбош-Тойқир-Ғарбий Чуқуркўл худуди марказий грабен кесимининг тўлиқ ва қисқарган турлари худудларида жойлашган плейларни истиқболли деб ҳисоблаш мумкин (8-расм).



8-расм. ГРН биринчи навбатда ўтказиладиган плейлари жойлашиш схемаси ва Бухоро-Хива палеорифти марказий грабени чегарасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари (Тузувчи: Раҳматов У.Н., 2021). 1-палеозой антиформалари, 2- надвиг ва подвиг типигаги узлишли бузилишларда 3-сдвиг туридаги узлишли сдвиглар, 4- палеозой мажмуаси сиртининг изогипслари, км 5- палеозой мажмуаси юзасини очган кудуқлар, 6-УЧН-2D сейсмик кесмалари, 7- бўйлама ва кўндаланг геологик ва геофизик кесма тизими, 8- тавсия этилган геофизик кесмалар, 9- тавсия этилган параметрик кудуқлар.

Плей ҳамидаги палеозой рифт мажмуаси кесимини муфассалаштириш мақсадида бажариладиган ГРН концепцияси қуйидаги қоидаларга хулоса мос келади: 1) Марказий грабен структура планларини ҳисобга олган ҳолда УЧН-3D сейсморазведканинг дала кузатувлари чўкманинг тузилиш режаларини оптимал тизимини ва электроразведка ТУЗ методларини қўллаш; 2) параметрик бурғилаш маълумотлари ёрдамида қайтарувчи горизонтларнинг рифт мажмуасини стратификациялаш, 3) палеозой рифт мажмуасининг интерактив тезлигини ва геоэлектрик моделини қуриш, 4) сейсмик ва интерактив моделдаги янгиланишларни ҳисобга олган ҳолда геоэлектрик маълумотларни қайта ишлаш, 5) структура планкаларини ва ёриқли бузилишларни аниқ локал антиформа ҳажмида хариталаш, 6) уч ўлчовли моделлаштириш натижалари асосида углеводород уюмларини локализациялаш.

Тавсия этилган иккита плей худудида ГРН ни, яъни дала сейсморазведка ва электроразведка кузатувларини ўтказишда дала лагерини ташкил этишда, махсус автомобиллар ишлатилганда, параметрик қудуқлар бурғиланганда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатилади ва экологик хавф-хатар юзага келади. Улар таъсирини камайтириш ва тартибга солиш тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари билан амалга оширилади.

ХУЛОСА

«Бухоро-Хива палеорифти марказий грабеннинг геологик тузилиши, термогеокимёвий режими ва нефт-газга истиқболлиги» мавзусидаги геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ЧСЗ, МУДТ-УТЧУ, чуқур УЧН, гравиметрия, магнитометрия, ТЗУ электроразведка, дала геотермик съёмкалар ва уч ўлчамли геологик ва геофизик моделлаштириш натижалари бўйича регионал геофизик тадқиқотлар материалларига кўра, Бухоро-Хива палеорифти марказий грабени қоплам ости палеозой мажмуаси таркибидаги энг муҳим, нефт-газга истиқболли регионал структура ҳисобланади.

2. Марказий грабеннинг ички тузилишини муфассалаштириш унинг чўзилиш ўқи йўналиши азимути 125° бўлганда кўндаланг ва бўйлама сейсмогеологик кесмалар тизими азимути 35° ва 125° бўлганда унинг тўлқин майдонларини бурғилаш материалларига боғлаш орқали амалга оширилади.

3. Марказий грабеннинг углеводород тузоқларини сақлаб қолиш учун қулай кучсиз дислокацияланган зонаси УВ тутқичлари сақланишига қулай бўлиб, унинг ўрта қисмидаги Гўжайли ва Дарвоза створи майдонининг шимоли-ғарбий ва жануби-шарқий қисмларидаги палеозой рифт

мажмуасининг иккиламчи чўкиш жойлари билан чегараланган. Кимерск грабенини ва Бешкент эгилмасини ҳосил қилган.

4. Марказий грабеннинг кучсиз дислокацияланган айрим майдонларининг кўндаланг ва бўйлама сейсмогеологик кесмалар тизимларининг тўлқин майдонларини тахлили шуни кўрсатдики, уларнинг чўкинди-вулканоген турига тўғри келади барчаси, бунда шиддатли аксланиш карбонат ва эффузив қатламлар билан, боғлиқ бўлиши мумкин.

5. Марказий грабеннинг кучсиз дислокацияланган зоналари таркибида кесмининг тўлиқ ва қисқартирилган турлари ажратилади, уларнинг биринчиси Испанли-Чандир кўтарилмаси, Қорақўл ва Кушоб эгилмалари чегарасида кенг тарқалган, иккинчиси эса Учбош-Қарши флексура-узилиш зонаси шимолий ёнбағрига параллел равишда ётади.

6. Марказий грабеннинг кучсиз дислокацияланган зонасида 90-140 мВт/м² жадалликдаги иссиқлик оқими зичлигининг еттига локал изометрик аномалиялари аниқланди, улар чуқур ёриқлар кесишган зоналарда жойлашган бўлиб ГТОУ каналлари билан боғлиқ.

7. Чуқурқўл ва Ғарбий Бештепа ТОУ таъсиридаги зоналарда дала газ-геокимёвий съёмка методи билан бажарилган муфассал тадқиқотларнатижасига кўра углеводородли ювенил ва углеводородли бўлмаган газларнинг юқори концентрацияли ареаллари аниқланди, улар палеозой рифт мажмуасидаги онг жинсларда нефт-газ ҳосил қилувчи манбалар борлигидан дарак беради.

8. Марказий грабеннинг ўрта қисмида кучсиз дислокацияланган ажратилган қисмида бир маромда тақсимланганлиги ҳисобга олган ҳолда, кўриб чиқиладиган ҳудуднинг палеозой рифт комплекси интервалида нефт-газни ҳосил бўлиш имкониятлари юқори бўлиши аниқланади.

9. Марказий грабеннинг кучсиз дислокацияланган қисми чегарасида 12 та локал, нефт-газга истиқболли антиформалар хариталанди, уларнинг геологик-геофизик жиҳатдан ўрганилганлик даражаси турлича бўлиб, улар палеозой рифт мажмуаси таркибида углеводород конларини кенг қўламли қидирув ишларини ташкил этишда асосий заҳира ҳисобланади.

10. Нефт-газга истиқболли локал антиформаларни ГРН ёрдамида қидиришда геологик ишлов хавфини камайтириш мақсадида уларни плей бўйича гуруҳларга ажратиш тавсия қилинади. Бунда палеозой рифт мажмуасидаги параметрлари бир хил турдаги бир нечта объектларни бирлаштириш тавсия этилади. Бунда геофизик усулларнинг самарали тўплами: жумладан сейсморазведка УЧН-3D ва электроразведка ТЗУ, параметрик бурғилаш, ГНС, ВСП ва уч ўлчамли геологик ва геофизик моделлаштириш методлари тавсия этилди.

11. Марказий грабеннинг кичик зоналарида тўлиқ ва қисқартирилган кўринишда жойлашган, Бозорбой-Чандир-Ғарбий Кўкча ва Учбош-Тойқир-Ғарбий Чуқурқўл плейлар ҳудудлари геолого-разведка ишлари биринчи навбатида бажариладиган устивор объектлар сифатида тавсия этилади.

12. Бозорбой-Чандир-Ғарбий Кўкча ва Учбош-Тойқир-Ғарбий Чуқуркўл плейлари худудида ГРН ни ўтказиш пайтида экологик хавфни олдини олиш мақсадида, дала сейморазведка ва электроразведка ишларини, бажаришда дала лагерларини ташкил этишда, махсус транспорт воситалари билан ишлашда, шунингдек, параметрик қудуқларни бурғилашда натижасида атроф-муҳитга бўладиган салбий таъсирини ўз ичига олади. Экологик хавфни камайтириш тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари билан тартибга солинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ
НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ им. ИСЛАМА КАРИМОВА**

РАХМАТОВ УЛУГХУЖА НУСРАТУЛЛАЕВИЧ

**ГЕОЛОГИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ, ТЕРМОГЕОХИМИЧЕСКИЙ
РЕЖИМ И ПЕРСПЕКТИВЫ НЕФТЕГАЗОНОСНОСТИ
ЦЕНТРАЛЬНОГО ГРАБЕНА БУХАРО-ХИВИНСКОГО ПАЛЕОРИФТА**

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ГЕОЛОГО-
МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В.2021.2.PhD/GM110

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net/uz).

Научный руководитель:	Долгополов Феликс Геннадиевич доктор геолого-минералогических наук
Официальные оппоненты:	Богданов Александр Николаевич доктор геолого-минералогических наук Бойкобилев Иброхим Тошпулатович кандидат геолого-минералогических наук
Ведущая организация:	Институт геологии и геофизики

Защита диссертации состоится «24» февраля 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc 24/30.12.2019.GM41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений по адресу: 100059, г. Ташкент, ул. Ш. Руставели, 114. Тел.: (+998) 71-253-09-78, факс: (+998) 71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрирована за № 4215). Адрес: 100059, г. Ташкент, ул. Ш. Руставели, 114. Тел.: (+998) 71-250-91-97, факс: (+998) 71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz.

Автореферат диссертации разослан « 02 » февраля 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 1 от «30» ноября 2021 г.)



Ю.И.Иргашев

Член Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

М.Г. Юлдашева

Член Научного совета по присуждению ученых степеней, к.г.-м.н., с.н.с.

Т.Х.Шоймуротов

Член Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире в связи с высокой степенью геолого-геофизической изученности традиционных литолого-стратиграфических комплексов мезозой-кайнозойского осадочного чехла, обеспечивающих основной прирост запасов углеводородного сырья, фонд подготовленных к бурению объектов будет пополняться за счет ловушек сложного и нетрадиционного строения, залегающих в погруженных горизонтах палеозоя. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой геологии является исследование особенностей строения верхнепалеозойских отложений на основе геодинамического подхода, в том числе термогеохимического режима, напряженно-деформированного состояния земной коры и других факторов.

В настоящее время в мире особое внимание уделяется изучению внутреннего строения геодинамических структур, детализации менее дислоцированных сегментов, картированию глубинных разломов и аномальных термобарогеохимических зон, связанных с каналами глубинного тепломассопереноса. Для решения этих задач проводятся различные исследования, в том числе: картирование и реконструкции полей деформаций, определение параметров тектонических напряжений различных рангов, характеризующих поля различных глубин, уточнение границ погребенных геодинамических структур, определение геодинамических закономерностей горизонтальных перемещений отдельных блоков земной коры, что является актуальной проблемой.

В республике особое внимание уделяется развитию топливно-энергетического комплекса, которое напрямую связано с повышением запасов углеводородного сырья и увеличением его добычи. Это обуславливает необходимость в наращивании объемов геологоразведочных работ, в том числе за счет включения в поисково-разведочные работы геоструктур подчехольного палеозойского комплекса. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры по «...дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности, путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей...»¹. Исходя из этого, одной из важнейших проблем является изучение палеозойского комплекса Бухаро-Хивинского региона для прогноза нефтегазоносности и выявления новых локальных объектов, что имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование способствует выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

№УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5646 от 01.02.2019 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отраслью Республики Узбекистан, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3006 от 25.05.2017 г. «Об утверждении Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на период 2017-2021 годы», №ПП-4522 от 18.11.2019 г. «О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных работ на нефть и газ», а также других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. При проведении геологоразведочных работ на нефть и газ в пределах центральных грабенов палеорифтовых систем в пределах древних и молодых платформ большое внимание уделяется особенностям их внутреннего строения и условиям нефтегазообразования и нефтегазонакопления. Формирование локальных нефтегазоперспективных объектов тесно связано с процессом регионального растяжения земной коры в процессе рифтогенеза и ее последующим напряженно-деформированным состоянием земной коры в результате горизонтальных перемещений сопредельных литосферных блоков.

В Российской Федерации изучением нефтегазоносности центральных грабенов палеорифтовых систем в пределах Восточно-Европейской и Западно-Сибирской платформ длительное время занимались В.Е.Хаин, Л.Э.Левин, Н.А.Клещев, В.С.Шеин, Н.А.Крылов и др.

Исследование центрального грабена Бухаро-Хивинского палеорифта проводили А.А.Бакиров, К.А.Клещев, В.С.Шеин, М.А.Ахмеджанов, О.М.Борисов, Ш.Д.Давлятов, Б.Б.Ситдииков, Б.Б.Таль-Вирский, Т.Л.Бабаджанов, А.А.Абидов, А.Е.Абетов, О.П.Мордвинцев, В.И.Троицкий, Г.С.Абдуллаев, Ф.Г.Долгополов, А.И.Ходжиметов и др.

Анализ результатов геологоразведочных работ на нефть и газ в пределах центральных грабенов палеорифтовых систем показывает, что их эффективность во многом зависит от комплекса факторов, учитывающих особенности конкретного режима растяжения земной коры, конфигурации границ зоны растяжения, степени сохранности структурных планов рифтового комплекса, термогеохимических условий генерации углеводородов и степени информативности геофизических данных для выделения локальных ловушек.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами организации, где выполнена диссертация. Диссертационное исследо-

